



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ «ТРАСТБАНК» МИСОЛИДА

Тошмухамедова Нозима Рустам қизи
ХАБ «Трастбанк» Амалиёт бошқармаси
Бек офис маркази 1-тоифали мутахассиси
nozimafazlitdinova1107@gmail.com

Аннотация: Тезисда молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш масалалари ХАБ «Трастбанк» мисолида тадқиқ этилган. Банкнинг 2024 йилги консолидациялашган ҳисоботи ва мустақил аудитор хулосаси асосида аудитнинг амалдаги ҳолати, асосий рисклари ва назорат тизимининг устувор йўналишлари таҳлил қилинган: активлар 14,4%, соф кредитлар 18,1%, капитал 30,5%, соф фойда 9,4% га ўсган. Кредитлар бўйича қутилган зарарлар резерви муҳим аудит масаласи сифатида белгиланиши IFRS 9 моделлари ва бошқарув тузатишларини чуқур текшириш заруратини кўрсатади. Аудитни такомиллаштириш учун беш босқичли интеграциялашган модель таклиф этилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот аудити, ХАБ «Трастбанк», IFRS 9, қутилган кредит зарари, муҳим аудит масаласи, аудиторлик rischi, урта ҳимоя чизиғи, IT-аудит.

КИРИШ

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботи акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар ва назорат органлари учун асосий ахборот манбаи ҳисобланади, шу боис унинг ишончилиги ва халқаро стандартларга мувофиқлиги мустақил аудит орқали тасдиқланиши зарур. Банк аудитининг мураккаблиги кредит, депозит ва молиявий инструментлар билан боғлиқ операциялар ҳажмининг катталиги, шунингдек қутилган кредит зарарларини ҳисоблашда профессионал мулоҳазалар талаб этилиши билан изоҳланади. ISA 540 аудитордан мураккаб ҳисоб баҳоларидаги модел, фараз ва раҳбарият мулоҳазаларини профессионал шубҳа билан баҳолашни талаб қилади.

Тадқиқотнинг мақсади — ХАБ «Трастбанк» молиявий ҳисоботи аудитининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, муҳим аудит соҳаларини аниқлаш ва рискка асосланган, рақамлаштирилган ҳамда узлуксиз аудит элементларига таянувчи такомиллаштирилган модель ишлаб чиқишдан иборат.

АСОСИЙ ҚИСМ

1. «Трастбанк» молиявий ҳисоботи аудитининг амалдаги ҳолати:

ХАБ «Трастбанк»нинг 2024 йил 31 декабрда яқунланган йил учун консолидациялашган ҳисоботи «Grant Thornton» томонидан Халқаро аудит стандартлари асосида текширилган. 2025 йил 25 апрелдаги хулосада ҳисобот ХМҲСга мувофиқ ҳаққоний акс эттирилгани тасдиқланган. Модификацияланмаган фикр муҳим бузиб кўрсатиш йўқлигини англатади, аммо

аудиторлик рискларининг мавжуд эмаслигини билдирмайди — ISA 701га мувофиқ энг катта эътибор талаб қилган масала алоҳида ажратилади.

ХАБ «Трастбанк»нинг асосий молиявий кўрсаткичлари

1-жадвал.

Кўрсаткичлар	2023 й., млрд сўм	2024 й., млрд сўм	Ўзгариш, %
Жами активлар	9 371,8	10 724,7	14,4
Соф кредит ва аванслар	4 822,6	5 694,4	18,1
Мижозлар маблағлари	6 829,9	7 536,2	10,3
Жами мажбуриятлар	7 328,0	8 057,4	10,0
Хусусий капитал	2 043,8	2 667,3	30,5
Соф фойда	690,8	755,4	9,4
Кредит зарари резерви харажати	76,0	74,6	-1,8

Манба: Банкнинг 2024 йилги аудитдан ўтган консолидациялашган ҳисоботи.

Жадвалдан кўринадик, соф кредит ва аванслар активларга нисбатан тезроқ ўсиб, 2024 йил якунида жами активларнинг 53,1 фоизини ташкил этган — бу кредит портфелининг аудиторлик rischi энг юқори қисм эканини кўрсатади. Шу билан бирга, кредитлар 18,1 фоизга ўсган шароитда кредит зарари резерви харажати 1,8 фоизга камайган, бу эса аудитор томонидан кредит босқичлари, дефолт кўрсаткичлари ва бошқарув тузатишларини алоҳида таҳлил қилиш заруратини кучайтиради. Айнан шу сабабдан ташқи аудитор кредитлар бўйича зарарлар резервини 2024 йилги аудитнинг муҳим масаласи сифатида белгилаган.

2. IFRS 9 бўйича кутилган кредит зарари аудити:

IFRS 9 молиявий активлар қадрсизланишини юз берган эмас, кутилаётган зарар асосида баҳолашни белгилайди: 1-босқичда сезиларли ошмаган риск бўйича 12 ойлик, 2- ва 3-босқичларда эса бутун муддат давомидаги кутилган зарар ҳисобланади, 3-босқичда қўшимча равишда фоизли даромадни тан олиш асоси ҳам ўзгаради. Кутилган зарар қуйидаги параметрик кўринишда ифодаланади:

$$ECL = PD \times LGD \times EAD \times DF$$

(PD — дефолт эҳтимоли, LGD — дефолт юз бергандаги зарар улуши, EAD — дефолт пайтидаги экспозиция, DF — дисконтлаш омили). Аудит жараёнида қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиши зарур:

- кредитларни босқичларга ўтказиш мезонларининг изчил қўлланилиши ва тарихий маълумотларнинг тўлиқлиги;
- гаров қиймати ва кутилаётган пул оқимларининг асосланганлиги;
- макроиқтисодий сценарийлар ва эҳтимоллик вазнларининг кредит портфели хусусиятларига мувофиқлиги;
- модел натижаларини ҳақиқий зарарлар билан солиштириш (back-testing);

● бошқарув тузатишлари (management overlays)нинг сабаби, миқдори ва тасдиғи кўрсатилган ҳолда ҳужжатлаштирилиши.

Модел натижаларининг мунтазам back-testing қилиниши систематик оғишларни аниқлашга, тузатишларнинг алоҳида реестрда ҳужжатлаштирилиши эса раҳбариятнинг субъектив таъсирини камайтиришга хизмат қилади.

3. Аудитни такомиллаштириш модели:

«Трастбанк»да беш босқичли интеграциялашган модель таклиф этилади:

1) маълумотларни марказлаштириш — барча операцион тизимлардан маълумотлар ягона омборга автоматик юкланади;

2) автоматик назорат — такрорий тўлов, ғайриоддий сумма ва лимит бузилишлари алоҳида реестрга тушади;

3) динамик рискни баҳолаш — филиал ва маҳсулотлар кесимида риск рейтинглари шаклланиб, аудит режаси чорак сайин янгиланади;

4) тўлиқ маълумотлар аудити — танланма ўрнига операцияларнинг тўлиқ массиви таҳлил қилинади;

5) электрон мониторинг — аудит тавсиялари ижроси кузатилиб, муддати ўтганлари автоматик равишда Аудит қўмитасига тақдим этилади.

4. Ички назорат ва IT-аудитни ривожлантириш:

Банкда назорат Учта ҳимоя чизиғи асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ: **биринчи** чизиқ — бизнес бўлинмаларнинг жорий назорати, **иккинчи** чизиқ — риск-менежмент, комплаенс ва ахборот хавфсизлиги, **учинчи** чизиқ — мустақил ички аудит. Ташқи аудит эса мустақил ишонч тақдим этади, лекин ички назоратни алмаштирмайди — ISA 610 ташқи аудиторнинг якуний жавобгарлиги сақланиб қолишини белгилайди. Фойдаланувчи ҳуқуқлари, вазифаларни ажратиш, кириш журналлари ва дастурий ўзгаришлар назорати, шунингдек IFRS 9 моделига узатиладиган маълумотлар ҳаракати мунтазам IT-аудитдан ўтказилиши, ички ва ташқи аудиторлар эса риск баҳолаш ва валидация натижалари бўйича ахборот алмашиши лозим.

ХУЛОСА

Таҳлил ХАБ «Трастбанк»нинг 2024 йилги кўрсаткичларида ижобий ўсиш борлигини, шу билан бирга активларнинг 53,1 фоизи кредитлар ҳисобига шаклланишини кўрсатди, бу эса кредит rischi ва қутилган зарар аудитини устувор йўналишга айлантиради. Ташқи аудиторнинг модификацияланмаган ҳулосаси ҳисоботнинг ХМХСга мувофиқлигини тасдиқласа-да, зарарлар резервининг муҳим масала сифатида ажратилиши IFRS 9 модели ва бошқарув тузатишлари устидан назоратни кучайтириш заруратини кўрсатади.

Таклиф этилган беш босқичли модель — маълумотларни марказлаштириш, автоматик назорат, динамик риск баҳолаш, тўлиқ маълумотлар таҳлили ва электрон мониторинг — ички назорат, ички аудит ва ташқи аудитни ягона тизимга бирлаштириб, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва шаффофлигини оширишга, шунингдек инвесторлар ва омонатчилар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ХАБ «Трастбанк» (2025) 2024 йил консолидациялашган молиявий ҳисобот ва мустақил аудиторлар ҳулосаси. Тошкент.

2. IFRS Foundation (2022) IFRS 9 Financial Instruments. London.
3. IAASB (2015) ISA 701: Communicating Key Audit Matters. New York: IFAC.
4. IAASB (2018) ISA 540 (Revised): Auditing Accounting Estimates. New York: IFAC.
5. IAASB (2013) ISA 610 (Revised): Using the Work of Internal Auditors. New York: IFAC.
6. The Institute of Internal Auditors (2020) The IIA's Three Lines Model. Lake Mary: IIA.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-580-сон Қонуни.